



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

2021 yil “1203”

№ 49

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 мартдаги 96-Ф-сонли Фармойиши билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда “Обод ва кўркам маҳаллам” ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия хашарини ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 мартдаги 96-Ф-сонли Фармойиши билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда “Наврўз” умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, ҳудудларнинг эпидемиологик осойишталигини сақлаш, соғлом турмуш тарзи ва санитария-гигиеник маданиятни тарғиб қилган ҳолда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек даволаш-профилактика муассасалари ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йил 13 март куни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Обод ва кўркам маҳаллам” ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия хашарини ўтказиш куни этиб белгиланганлиги ижро ва маълумот учун қабул қилинсин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча тузилмалари ва тизим ташкилотларида 2021 йил 13 март куни “Обод ва кўркам маҳаллам” ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия хашари ўтказилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 мартдаги 96-Ф-сонли Фармойиши (кейинги ўринларда Фармойиш) билан:

маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонларни ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш;

“Маҳалламга 30 туп дарахт менинг тухфам” шиори остида барча турар жой мавзелари ва маҳаллаларда гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар экиш, дарахтларни оклаш ва буташ;

ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш;

жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўтказилиши жараёнида тўпланган чиқиндиларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан алоҳида белгиланган жойларга олиб чиқилишини таъминлаш;

ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш катнашчиларини зарур техника воситалари ва анжомлар билан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 10 майдаги 349-сон қарорига мувофиқ умумхалқ ҳашарини тегишли ташкилотлар ҳудудига меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказиш;

умумхалқ ҳашари доирасида бўлмаган бошқа турдаги жамоат ишлари, шу жумладан, қурилиш-таъмирлаш ва қишлоқ хўжалиги ишларига мажбурий жалб этишга қатъий йўл қўйилмаган ҳолда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, иш ўринларини тартибга келтириш ишларини амалга ошириш;

автомобиль йўллари, ҳаракатланиш тиғиз бўлган кўчалар, сув объектлари, қирғоқбўйи ҳудудлар ва зоналар, қурилиш майдонлари, бино ва иншоотлар томлари, хавфли ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек инсонларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилиши юзага келиши мумкин бўлган бошқа жойларда ихтиёрий ташаббус билан ҳашарлар ва бошқа ишларни ўтказиш тақиқланганлигини қатъий назоратга олиш;

ушбу тарғибот-ташвиқот тадбирларида жойларда иш берувчилар томонидан ҳашарда кўзда тутилган ишлар учун ишчиларни мажбурий тарзда жалб этишга мутлақо йўл қўймаслик, шундай ҳолатларга йўл қўйган мутасаддиларга жазо чораларини қўллаш белгиланганлиги инобатга олинсин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча таркибий бўлинмалари ҳамда тизим ташкилотлари раҳбарлари 2021 йил 13 март куни “Обод ва кўркам маҳаллам” ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиши доирасида Фармойишда белгиланган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан шахсий масъуллиги белгилансин.

5. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи (Б.Юсупалиев) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман бўлимлари бошлиқлари:

аҳолига маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонларни ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш бўйича тегишли талаб ва тавсияларни тушунтириш;


жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўтказилиши жараёнида тўпланган чиқиндиларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан алоҳида белгиланган жойларга олиб чиқилишини назоратга олсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва республика тасарруфидаги тиббиёт муассасалари раҳбарлари томонидан 2021 йил 13 март куни ўтказилган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг ҳисобот шаклини иловага мувофиқ тарзда Соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмасини ривожлантириш ва қурилишини ташкиллаштириш бошқармасига икки кунлик муддатда етказилишини таъминлансин.

7. Жамоатлик билан алоқалар бўлими бошлиғи (Ф.Санаев) умумхалқ ҳашари доирасида олиб борилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказиш ишларини олиб борсин.

8. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Хаджибаев

